Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minlashning ustuvor yo‘nalishla...

ta´minlasnning ustivor yo¯nalisnlari´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Турдиқулова Гулмира Обидқул қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторант
gulmiraturdiqulova99@gmail.com

Аннотация.Мазкур мақолада мамлакатимизда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, унинг ўрни ва аҳамияти, солиқни ундириш механизми, фойда солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзлари, унга таъсир этувчи омиллар гуруҳи ёритилган.

Калит сўзлар: фойда солиғи, имтиёз, ундириш тартиби, солиқ тўловчи, ундириш механизми, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ сиёсати, солиқ воситаси, солиқ тизими.

Давлат бюджетидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий хаётини ривожлантириш учун харажатлар ажратилади. Бу харажатлар эса давлат бюджетининг даромад манбаини ташкил этувчи солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобидан шакллантирилади. Бозор иқтисодиётининг энг эътиборли жиҳати шундаки, унда ҳамма фойда олиш учун ҳаракат қилади. Шу жараёнда эса давлат фойдага эга бўлган юридик ва жисмоний шахснинг фойдасидан солиқ ундириш вазифасини бажаради. Яъни юридик шахслар ўз фаолиятларидан фойда солиғини давлат ғазнасига тўлайди. Ҳар бир фаолият бўйича солиқ солиниши ва уни давлат фойдасига ундирилиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига биноан амалга оширилади. Солиқ кодексига биноан юридик шахслар олган фойдасидан фойда солиғи тўлайдилар.

Солиқ кодексига биноан фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари[113].

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи яқин йилларда жорий этилган тўғри солиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари 1991 йилга қадар асосан давлат корхоналари фойдасидан ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан шаклланар эди. Ушбу фойдадан ажратма давлат томонидан белгиланган мажбурий тўлов бўлиб, у корхоналар баланс фойдасининг 90 фоизгача бўлган қисмини бюджетга олиб кетар эди. Қолган маблағлар эса корхона томонидан эмас, балки юқори ташкилот топшириғига кўра тегишли фондларга тақсимланар эди. 1995 йил январь ойидан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ жорий этилди[114].

Фойда солиғи хусусида рус иқтисодчи олимларини фикрларини ўргандик. И.А.Майбуров фикрига кўра, фойда солиғи – бу ташкилотнинг (корхона, банк, суғурта компанияси ва бошқалар) фойдасидан олинадиган тўғридан-тўғри солиқ[115]. В.Г.Пансков, фойда солиғини хўжалик субъектлари томонидан яратилган

[113] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2019.
[114] А.Ваҳобов, А.Жўраев Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик / Т.: 2007. 63 бет.
[115] . И.А.Майбурова Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов /. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. - С.478..

Published: 23.12.2024
Cite this article: Турдиқулова Гулмира Обидқул қизи (2024). Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзларни тартибга солиш. Emro Science and Education, 1(4). https://journal.emro.uz/public/maqola/1095
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

фойданинг бир қисмини давлат томонидан қайтариб олиш йўли билан қайта тақсимлаш сифатида тушунади[116]. Д.Г.Черник фойда солиғини аниқ таърифини бермайди, балки давлатга тўланиши керак бўлган солиқлар сифатида ўрганади[117]. И.В.Новикованинг фикрига кўра, фойда солиғини федерал бюджетга ва Россия Федерациясининг таъсис объектларининг бюджетига йўналтирилган самарали меҳнат билан яратилган соф даромаднинг бир қисмини олиб ташлаш шакли сифатида белгилайди[118].

С.В.Земляченко, фойда солиғи – ташкилотларнинг (бюджет, банк, суғурта), филиаллар ва алоҳида баланс ва ҳисоб китоб эга бўлган ташкилотлар томонидан тўланган солиқлар деб, унинг ялпи фойда белгиланган меъёрлар бўйича камаяди[119]. Ривожланган мамлакатларда фойда солиғи давлат бюджетининг 10 фоизини ташкил этса, Россия Федерациясида эса бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этади[120]. Бизда бу кўрсаткич 2018 йилда барча солиқ тушумлардаги улуш деярли 4,5 фоизга тенг. Яъни мамлакатимизда солиқ миқдори ишлаб чиқарувчини фаолиятини рағбатлантириш мақсадида камайтирилиб, асосий солиқ юкини истеъмолчига тушишига сабаб бўлмоқда[121].

Одатда, солиқ ставкалари борасида фикрларга тўхталадиган бўлсак, кўпинча тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи фаолияти учун тўсиқ, яъни ортиқча солиқ юкини келтириш деб фикр билдирилади. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари фаолияти турли солиқ имтиёзлари ва преференциялари билан рағбатлантириб келинмоқда. Фойда солиғи тартибга солиш функциясини ҳам бажаради, яъни солиқ ставкаларини фарқлаш орқали амалга оширилади. Солиқни тартибга солиши ишлаб чиқариш, инвестициялар ва самарали жамоат талабига ижобий ёки таъсирчан таъсир кўрсатади. Шундай қилиб солиқларнинг умумий қисқариши соф даромадларнинг ошишига олиб келади, иқтисодий фаолият, инвестициялар ва бандликни рағбатлантиради[122].

Иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий воситаси сифатида фойда солиғи муҳим рол ўйнайди. Мулкдан маҳрум бўлган давлат ишлаб чиқариш жараёнини маъмурий усуллар билан назорат қила олмайди. Шу муносабат билан бизнес жараёнларни бошқариш фақат иқтисодий усуллар билан ва биринчи навбатда, фойда солиғининг таркибий қисмлари орқали амалга оширилиши мумкин: ставкалар, солиққа тортиладиган объектни ҳисоблаш, имтиёзлар ва санкциялар. Ушбу усуллар ёрдамида корхона даромадларини солиққа тортишни ўзгартириб, давлат ишлаб чиқариш динамикасига жиддий босим ўтказа олади, унинг ривожланишини рағбатлантириши ёки тараққиётини чеклаши мумкин[123].

---

[116] В.Г.Пансков Налоги и налогообложение в Российской Федерации. - М.: ЮНИТИ, 2014. - С.423.

[117] Д.Г.Черника. Налог на прибыль служит значительным источником формирования доходной части бюджетов разных уровней Налоги: Учебное пособие / - М.: Финансы и статистика, 2016. - С.192.

[118] И.В. Новиков Особенности нормативно-правового регулирования порядка формирования налоговой базы по налогу на прибыль организаций при осуществлении расчетов с персоналом по оплате труда // Право и жизнь. - 2015. - № 122(4). - С.27.

[119] С.В.Земляченко, М.С.Мухин Новое в исчислении налога на прибыль: глава 25 НК РФ с учетом поправок // Главбух, Отраслевое приложение “Учет в сфере образования”. - 2016. - №3. - С.24.

[120] И.Ю.Комарова Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

[121] https://www.soliq.uz-Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

[122] Комарова И.Ю. Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

[123] Колчин С.П. Проблемные вопросы практики налогообложения //Финансы. - 2015. - №4. - С.42.

Аслини олганда, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши давлат бюджети учун қанчалик салбий таъсирга эга бўлса, уларнинг қўлланилишининг ижобий томонлари ҳам бор ва шунга асосланиб давлат солиқ имтиёзларини қўллаб келади. Бундан кутиладиган мақсад ишлаб чиқарувчини иқтисодий салоҳиятини ошириш, ортитган маблағларини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга сарфлаши нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамият касб этади. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва фойда солиғи бўйича бюджет даромадларини барқарорлаштириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кенг имтиёзлар қўлланиб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашга инвестиция киритадиган корхоналар учун солиқ имтиёзлари бериш, яъни инвестицияларнинг 50 фоизгача бўлган фойда солиғини камайтиришга йўл қўйилади. Бироқ бу чекланган, тўланган солиқлар миқдори 5 фоиз ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан кам бўлмаслиги керак. Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳамият берадиган бўлсак, фойда солиғи солиқ тизимининг энг нобарқарор солиқ тури бўлиб қолмоқда, яъни доимий равишда ўзгартирилади, қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади, камайтирилади ва ҳоказо тартибда амалга оширилмоқда.

Кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларида солиқ имтиёзлари бюджет субсидияларидан кўра корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг янада самарали воситаси ҳисобланади. Солиқ имтиёзлари инвестицияларни ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсата олмайди, аммо бунга қарамай, мамлакатдаги макроиқтисодий муҳитга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Солиқ имтиёзларини амалиётга қўллаш бўйича ҳам қарашлар турлича бўлиб, тарафдорлари ҳам ва қаршилари ҳам бор. Солиқ имтиёзларини қисқартириш жараёни, одатда, ижобий ривожланиш ҳисобланади. Лекин у имтиёзларни солиқнинг бир элементи сифатида тўлиқ бартараф этмаслик керак. Барқарор иқтисодиётда барча солиқ имтиёзларини бекор қилиш мумкин ва бу ёндашув минимал солиққа тортиш даражаси бўлган давлатлар мавжуд.

Солиқни камайтиришнинг асосий йўналиши солиқ тўловчининг бевосита ёки билвосита солиқ мажбуриятини камайтиришдан иборат. Фаолият механизмига мувофиқ, солиқ имтиёзлари сезиларли фарқларга эга бўлиб, солиқ тизими таркибидаги элементларнинг ҳаракатига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда гуруҳланган. Уларни солиққа тортишдан олинадиган фойдадан озод қилиш (масалан, ривожлантириш режаланаётган тармоқлардан, шу кунгача енгил саноат соҳаси), солиққа тортиладиган фойда базасидан чиқарилмасликка қаратилган имтиёзлар, лекин уларнинг бошқача тартибда ҳам амалга ошириш мумкин: солиқ ставкасини пасайтириш, солиқ таътиллари.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати ичида фойдаланилмаган маблағларнинг суммаси имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадларга мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида йўналтирилиши мумкин. Бунда кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикаси-нинг республика бюджетига ўтказилади» деб таъкидлаб ўтилган[124]. Демак, ҳар қандай берилган солиқ имтиёзлар белгиланган мақсадларда ишлатилмаса, у давлат бюджетига қайтарилиши қонун ҳужжат-лари билан ҳам аниқлаштириб қўйилган.

Ўзи, одатда, солиқ имтиёзини бекор қилиш ёки сақлаб қолиш масаласи жуда муҳимдир. Айни пайтда, у нотўғри ва ноаниқлик сабабли унга берилган роли

[124] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Адолат. 2019 й.

бажарилмайди. Маълум даражада солиқ тўловчи солиққа тортилишдан қочишга имкон беради. Ушбу имтиёзнинг асосий мақсади реал иқтисодиётга инвестицияларни рағбатлантириш ҳисобланади.

Адабиётлар руйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2019.

2.А.Ваҳобов, А.Жўраев Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик / Т.: 2007. 63 бет.

3.И.А.Майбурова Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов /. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. - С.478..

4.В.Г.Пансков Налоги и налогообложение в Российской Федерации. - М.: ЮНИТИ, 2014. - С.423.

5.Д.Г.Черника. Налог на прибыль служит значительным источником формирования доходной части бюджетов разных уровней Налоги: Учебное пособие / - М.: Финансы и статистика, 2016. - С.192.

6.И.В. Новиков Особенности нормативно-правового регулирования порядка формирования налоговой базы по налогу на прибыль организаций при осуществлении расчетов с персоналом по оплате труда // Право и жизнь. - 2015. - № 122(4). - С.27.

7.С.В.Земляченко, М.С.Мухин Новое в исчислении налога на прибыль: глава 25 НК РФ с учетом поправок // Главбух, Отраслевое приложение “Учет в сфере образования”. - 2016. - №3. - С.24.

8.И.Ю.Комарова Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

9.https://www.soliq.uz-Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

10.Комарова И.Ю. Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

11.Колчин С.П. Проблемные вопросы практики налогообложения //Финансы. - 2015. - №4. - С.42.

12.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Адолат. 2019 й.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Турдиқулова Гулмира Обидқул қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторант
gulmiraturdiqulova99@gmail.com

Аннотация.Мазкур мақолада мамлакатимизда солиқ тизимида мавжуд имтиёзлар, уларнинг турлари ва тартибга солиш асослари, унга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, солиқ тизимининг амал қилиш тамойиллари ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида солиқ тизимидаги мавжуд муаммолар таҳлил этилган ва уларнинг ечими бўйича таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, имтиёз, солиқ концепцияси, солиқ тўловчи, ундириш механизми, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ сиёсати, солиқ воситаси, солиқ тизими.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш, биринчи навбатда, катта миқдорда маблағни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга